



Тошкент Оқшом

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 61 (9.099)

1998 йил

27 май, чоршанба

Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон
байроғи
Эверестда
ҳилпирамоқда!

«ЭВЕРЕСТ» АЛЬПИНИСТЛАР ЭКСПЕДИЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

Азиз ватандош альпинист - спортчилар! Сизларнинг «Дунё томи» деб ном олган Эверестни забт этиб, Ўзбек халқи номи ва байроғини Ер юзининг энг баланд чўққисига мангу муҳраганингиз ҳақидаги хушхабар менга катта мамнуният ва гурур бағишлади.

Халқимиз ватанпарварлик жасоратингизни зўр ҳаяжон билан кузатиб турди ва ғалабангизни катта олқиш билан кутиб олди.

Юксак чўққи сари йўлингизда кўплаб мураккаб қийинчилик ва машаққатларни енгиб ўтганлигингизни билмайми. Сизнинг мақсад сари қатъият билан олга интилганлигингиз ҳалқимиз табиятига хос бўлиб, бу — юртимиз руҳи ва иродасининг юксак намунаси.

Ватанимиз довуғини дунёга таратган ушбу ғалабангиз Мустақиллигининг етти йиллигига муносиб тўхта бўлди.

Самога туташ чўққи узра қадалган байроғимиз бизнинг озодлик ва ободлигимиз тисмолари сифатида абдий ҳилпираб турисин!

Барчангизини она юртимизга соғ-омон қайтишингизни тилайман!

Омад сизларга ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Газетанинг шу сонига

ОФАРИН, ЮРТДОШЛАР!

22 май куни жаҳон телеграф агентликлари орқали Ўзбекистон альпинистлари дунёнинг энг юқори нуқтаси бўлиш денгиз сатҳидан 8848 метр баландликда жойлашган Эверест чўққисини забт этиб, унга муваффақият билан алоқадорликда қаддашгани тўғрисида кураи замин бўйлаб ажойиб хушхабар таралди. Республикаимиз Президенти Ислом Каримовнинг мард ва жасур альпинистларимизга табриқнома йўллашдан сўнг эса оламшумул натижага эришган спортчиларимизнинг бошлари осмонга етди. Хозир ушбу қувончли воқеа муносабати билан барча ватандошларимиз кўтаринки кайфиятда, кўнгиллари чоғ. Қарга борманг, ушбу кулуг ғалаба ҳақида сўз юритилаётганининг устидан чиқасиз. Ҳамшаҳарларимизнинг қўйидаги дил сўзлари ҳам ўзбек спортчилари эришган маъzur оламшумул ғалабага ҳамхондир.

Мурод ШАРИФҲУҶАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги:

Альпинистларимизнинг ушбу оламшумул ғалабасини нафақат спортимизнинг, балки бутун Ўзбек халқининг буюк ютуғи деб биламан. Чунки, ҳали кўпгина мамлакатлар спортчилари «Дунё томи» деб ном олган Эверест чўққисини забт этиш шарафига муяссар бўлган эмас.

Мен ҳам барча юртдошларим қаторида ушбу қувончли хабарни дилда бир олам ҳаяжон билан қарши олдим. Самога туташ юксак чўққини забт этган альпинистларимизни буюк ғалаба билан чин юракдан кутлайман.

Армен БАГДАСАРОВ, Атлантадаги XXVI олимпияданинг кумуш медали совриндори:

Мен альпинистларимиз Эверестни забт этиб улкан ютуққа эришганликлари Республикаимиз Президентининг Ўзбекистонда спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини таъдиб этиш бора-сидаги сазй-харакатларининг ажойиб меvasи деб биламан. Бу ажойиб ғалаба курашчиларимиз, боксчиларимиз, эшакчиларимиз халқро майдонда қозонаётган муваффақиятларига ҳамхонг ва яқиндир. Ўзбек тупроғида камол топган спортчи сифатида ҳали кўплаб бундай йирик ғалабаларга эришшимиз мумкинлигига қатъий ишонман.

Дилшод ИСМОИЛ
ёзиб олди.

ШУҚҚИЗ ДОВЖУРАК ШАЪРИФИ

Не бахт бугун «Дунё томи»га
Етиб борди мардлар оёғи.
Шону шараф кўшиб номига,
Ҳилпиради юртим байроғи.

Озод элим довуғин ёйиб,
Йўлага тушди тўққиз қиз-ўғлон.
Ражаб ўғли ардоқлар суюб,
Атаб уни Русаму достон.

Ха, ўшадир байроқни маҳкам,
Тутиб элган баланд жойига.
Ҳимолайдек маърур тоғлар ҳам,
Бошин эди бугун пойига.

Она юртим шаънини куйлар,
Сахарларда нур сочган Кўёш.
Довжораклар ҳақида сўйлар,
Қор ўраган чексиз тоғу тош.

«Дунё томи» янглиг нурига,
Ўзбек халқни пейонаси бу!
Нурли кечан тўққиз навбахор —
Буюкмиги, нишонаси бу!

Темур УБАЙДУЛЛО.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1998/99 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

«Таълим тўғрисида» ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва қадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони бажариш юзасидан замонавий билимлар ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, умумий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини замонавий талабларга жавоб берадиган ўқитувчи ва педагог-муҳандислар билан таъминлаш ҳамда олий таълим муассасаларига қобилиятли ёшларни сифатли танлаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1998/99 ўқув йилида бакалавлар тайёрлаш бўйича умумий қабул-сони 42 миңг, шу жумладан 21 миңг давлат грантлари асосидаги қабул квоталари белгиланиб, улар Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасалари ҳамда таълим йўналишлари бўйича тақсимлансин.

Белгилансинки: олий таълим муассасаларига ўрнатилган қабул режасининг 50 фоизи давлат грантлари ҳисобидан, қолган 50 фоизи тўлов-контракт асосида ташкил этилсин; олий таълим муассасаларига қабул барча учун /ҳам грантлар, ҳам контракт бўйича/ тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниши ҳуқуқи таъминлансин;

қолган абитуриентлар тест баллари рейтингини асосида ўрнатилган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниши ҳуқуқига эгадир.

2. Қабулни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ечиш учун Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

3. Давлат комиссияси Вазирлар Маҳкамасига: Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низомга ушбу Қарор талаблари асосида тегишли ўзгантиришлар;

юридик ва жисмоний шахслардан тушган аризалар ва тест синовлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, таълим муассасаларига ўрнатилган умумий қабул режаси доирасида, таълим йўналишлари ва қабул курсаткичлари бўйича зарур бўлган ўзгантиришлар тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирилик ва идоралар бир ҳафта мuddатда ўзларига қарашли таълим муассасаларида грантларни ва тўлов-контракт асосидаги ўринлар квотасини таълим шакллари ва тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларни Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 1 июлдаги 332-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Маъжур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 май.

ЯҚКАСАРОЙ шахримизнинг кўзга кўринган туманларидан бири. Бугунги кунда унинг аҳолиси 106,0 миңг кишини ташкил этади. Ер майдони эса 1398 гектарга тенг. Туманда 5 та олий ўқув юрти, 18 та мактаб, 9 та поликлиника, 4 та касалхона жойлашган. Саноат корхоналарининг сони ҳам тобора ортиб бормоқда. Ҳозирда бу ерда 20 дан зиёд йирик ишлаб чиқаришлар фаолият кўрсатмоқда. Улар жумласига «Тоштўқимачи», «Тоштўқимачи», «УҚМ», «Садаф» ҳиссадорлик жамиятларини киритиш мумкин. Бу ерда 3 миңдан ортиқ хусусий фирмалар фаолият кўрсатмоқдаки, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар туман иқтисодини кўта-

Дастурда оилавий муносабатларга тааллуқли барча масалалар тўла қамраб олинган. Телефон жириглаб қолиб, суҳбатимиз узилди.

— Кечирасизлар, — деди Алишер Мухамедович ўшақини жойига қўйиб, — бугун республика Байналмилал маданият марказида «Иккинчи жаҳон уруши иштиракчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони бўйича йиғилиш ўтказмоқчимиз. Шунга шошиляп-

Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги олдидан
1998 — Оила йили
ЯРАТУВЧИЛИК
Туманлар йўқламаси: ЯҚКАСАРОЙ
КўЛАМЛАРИ

ришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Яқинда биз Оила йили дастурини амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 7 йиллик байрамига тайёрларлик масалалари юзасидан туманда олиб борилаётган ишлар билан танишиш учун Яқкасаройда бўлдик.

Ҳоким хонасидан ўрта ёшлардаги икки аёл чиқди. Уларни саволга тутдик.

— Кечирасизлар, нима юмуш билан келгандингизлар? — Ҳокимимиз Алишер Мухамедовичнинг олдида уй-жой масаласида келгандим. Оиламиз катта. Ҳаммамиз уч онали уйда ашаймиш. Бир неча йилдан бери оворани сарсон бўлиб юрган ишни ҳокимимиз бир оғиз сўз билан тўғрилаб берди.

— Катта ўғлим Умаржон ноғирон, — дея сўз бошлади иккинчи аёл, — шунга битта аравача ажратилганди.

Бу масала ҳал бўлди.

— Президентимиз айтганларидек «Оила, унинг муаммолари, унинг иқболи ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз эътибори марказида бўлиши керак» — дейди туман ҳокими Алишер Мирқосимов. Биз кундалик ҳаётимизда ана шунга бутун диққатимизни қаратганмиз.

— Алишер Мухамедович, буюбарин гап Оила мавзусида борар экан, келинг, бириўла унинг дастури ҳақида ҳам суҳбатлашиб олақолайлик.

— У йўналишимизнинг асосий мезони ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).



• Бугун Яқкасарой туманида.

БУГУНГИ КУН
НАФАСИ
МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш, республикада ташқи иқтисодий алоқалар, халқаро муносабатлар ва дипломатия соҳасида малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлаш мақсадида «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.
- Фарғона вилояти пиллакорлари давлатга 3060 тонна аёло сифатли саноат хом ашёси етказиб бердилар. Вилоятдаги аксарият хўжаликлар пилла тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини ортиғи билан бажардилар.
- Андижон вилоятидаги Хўжаобод газ омбори қурилишида Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмомил Жўрабеков раислигида бўлиб ўтган маъжур қурилиш республика штабнинг йиғилишида мамлакатимиз ёқлиғи-энергетика тармоғининг бу муҳим ишюстини бунёд этишни жадаллаштириш, унинг биринчи навбатини тезроқ ишга тушириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.
- Ўзбекистон автомобилсозлигининг фахри — Асакадаги «УзДЭавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган енгил машиналарга бутловчи қисмлар етказиб берувчи корхоналар сони яна биттага кўпайди. Андижоннинг «Сойгузар» маъзиде куриб битказилган янги корхонада дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жанубий корейлик ишбилармонлар иштирокида барпо этилиб, замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган бу қўшма корхона — «Уз-самонг Ко» энди автомобилларни ёниги баки билан таъминлайди.
- Навоий шаҳрида «ДЭУЭлектроник» дўкони очилди.
- Андижон тиббиёт институти кафедраси мудирини, тиббиёт фанлари доктори, профессорси Ҳ. Аграновский Нью-Йорк Фанлар академиясининг хақиқий аъзоси этиб сайланди.
- Кеча пойтахтимиздаги «Узэксponsor»да «Қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш бўйича ишчак усулуна ва минитехнологиялар» кўргазмаси иш бошлади. Беш кун давом этадиган ушбу кўргазмага жаҳоннинг ўн тўрт мамлакатидан 53 фирма ва компания ўз маҳсулотларини намоишга қўйган.
- Навоий туманида бўлиб ўтган савдо-кўргазмада шарқ амалии санъати намуналарини намоиш этилди. Ёғочдан, ганчдан тайёрланган буюмлар кўргазма қатнашчиларида айниқса катта қизиқиш уйғотди. Вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси вилоятнинг бошқа туманларида ҳам шундай ярмаркаларни ўтказиши тараддудида.

ПОЙТАХТНИНГ
БИР КУНИ
• Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

ЖАҲОНДА

- Грузия ва Абхазия Гали туманида ўт очишни тўқтатиш тўғрисидаги битимни имзоладилар. У 26 май соат 6 дан бошлаб қучга кириши керак эди. Бирок отишмаларнинг тўхтамаётганига боисидан ана шу битимни бажариш ҳозирча орқага сурилди. Ҳозир ана шу мунозарани худудда МДХ тинчликни ўрнатувчи қучлар қисмлари ва БМТ қўзғатувчилари қисмлари ёрдами ва назорати остида қарама-қарши томонлар қучларини тарқатиш ишлари олиб боришмоқда. Бундан ташқари ушбу битимга биноан 35 миңг грузин қочқоқларининг қайтиши ҳам кўзда тутилган. Грузия ана шу банднинг сўзсиз бажарилишини талаб этмоқда.
- Швеция ҳукумати Латвия, Литва ва Эстонияга қуроллар етказиб беришни кўпайтиришга қарор қилди.
- БМТнинг Ироқдаги махсус вакили Бағдодга нисбатан жазо чоралари сиёсатини қайта кўриб чиқиш зарурлигини айтди. Унинг фикрича бу жазо чораларидан аввало тинч аҳоли жабр кўрмоқда.
- Норвегия қироли Харольд V рафикаси қиролича Соня билан Москвага ташриф буюрди.
- Варшавада 30 дан зиёд мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллари учрашуви очилди.
- Эрон президенти Хатами мамлакатда сиёсий ва ижтимоий ислохотларни ўтказишга қарор қилганини таъкидлади. Техрон университетда кўп миңг киши қатнашган йиғилишда сўзга чиққан Эрон президенти «Мени ислохотлар дастурини амалга оширишдан ҳеч бир нарса тўхташиб қололмайди», — деб айтди.
- Хитой Халқ Республикасида юк машиналарини ишлаб чиқарувчи Хитой — Белорусия қўшма корхонасини қуриш ишлари бошлаб боририлди. Бу қурилишга бир неча миллион сарфлаш кўзда тутилган. АҚШ доллари миқдоридеги маблағнинг 30 фоизи Белорусия ҳиссасига тўри келади.
- Афғонистонда толибон гуруҳи билан уларга қарши курашаётган Аҳмадшоҳ Маъсуд қўшинлари ўрта-сидаги жанглар давом этмоқда. Аҳмадшоҳ Маъсуд қўшинлари Кобул аэропортига забарқарлардан ўққа тутганлиги тўғрисида аэропортга жиддий шикаст етди. Афғонистон Президенти Бурхониддин Раббоний радио орқали ўз тарафдорларини толибон қучларига қарши ялли ҳужум уюштиришга даъват этди.

ОБУНА — ЙИП БУЙИ

Маълумки, ҳар оянинг ўиничи кунига қадар Сиз «Тошкент оқшомига» ёзилишингиз ва уни шундан кейинги ойдан бошлаб олишингиз мумкин. Демак, «Оқшом»ни йилнинг иккинчи ярми давомида олиш иштиёқига бўлсангиз, Сиз унга обунани 10 июнга қадар расмийлаштиришингиз керак.

Яна шуни ҳам эслатиб ўтмоқчимизки, «Тошкент

оқшом» газетаси чакана савдога жуда ҳам чекланган миқдорда чиқарилади. Унинг обуна нархлари Тошкент шаҳрида яшовчилар учун қуйидагича:

Абонент кутисига	Уй манзилига
• 1 ояга — 129 сўм	• 1 ояга — 168 сўм
• 3 ояга — 387 сўм	• 3 ояга — 504 сўм
• 6 ояга — 774 сўм	• 6 ояга — 1008 сўм

НАШР ИНДЕКСИ — 209.

Миробод тумани Ички ишлар бўлимининг паспорт бўлимида бўлганимизда соҳа ходимларининг ўз ишларига масъулият билан ёндашганликларини кўрдик. Барча қўлайликлар яратилган, шинам ва озода хоналар, кутиш учун алоҳида ўриндиклар ҳамда замонавий компьютерлар билан таъминланган паспорт бўлимида паспорт алмаштириш ишлари муваффақиятли кечмоқда.

— Мен бу соҳа ходимларига каттадан-катта раҳмат айтишим мумкин, — деди биз билан суҳбатда пенсионер Любовь Куликова. — Улар ўзларининг вақтларини аямай бир неча бор уйимга келиб, эски паспортимни янгисига алмаштириб беришди. Бу билан нафақат

қароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармоннинг чиқиши айна муддао бўлди. Чунки бугунги кунда мамлакат миқёсида маҳаллаларнинг мактеби тобора ошиб бормоқда. Тарғибот ишларини ҳам кўпроқ маҳаллалар билан биргалик-

Асосий ҳужжатимиз

МУСТАҚИЛ ЮРТ ФУҚАРОЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
REPUBLIC OF UZBEKISTAN



ФУҚАРО ПАСПОРТИ
CITIZEN'S PASSPORT

менинг оғиримни энгил қилишди, балки кўнглимга ҳам бир дунё қувонч бахш этиб кетишди. Биз каби қарияларнинг ҳолидан хабар олиб турувчилар бор экан, бундан умрбод миннатдоримиз.

— Мана бизлар ҳам фуқаролар паспортини олиб, мустақил юртининг эркин фуқаролари сафига кирдик, — дейди Миробод туманидаги 31-мактаб битирувчиси Сурайё Шокирова. — Бу биринчидан ҳар бир ишга мустақил ёндашганимизга сафарбар этса, иккинчидан эса катта масъулият ҳам юклайди. Ҳозир жуда хурсандман, чунки бу дамлар ҳаётимдаги энг бахтиёр онларимнинг бирига айланди қолади.

— Бу борада қилинадиган ишларимизнинг асосини қамраб олаётган ушбу юмуш маҳалла ва ташкилотларда ўтказилаётган турли учрашувлардир, — деди биз билан суҳбатда Миробод тумани Ички ишлар бўлимининг паспорт бўлими бошлиғи Хайрулла Намозов. — Президентимизнинг «Фу-

да олиб бормоқдамиз. Чунки оилалар маҳаллалар билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабдан ҳам жамиятдаги кўпгина янгилик ва ўзгаришлар маҳаллалар орқали оилаларга етказилади. Бу қўлай ва оммабоп усуллар.

Туманимизда эски паспортларни янгисига алмаштириш жараёнида айниқса Биродарлик, Ўзбекистон, Баротхўжа, Файзобод маҳаллалари фаол қатнашмоқда. Чунки, Файзобод маҳалла оқсоқоли Тўхтағул Содиқовнинг бу борада хизматлари катта бўлди. Шунингдек, туман ҳокимлиги томонидан кам таъминланган оилаларга бепул паспортлар тарқатиш мақсадида юз минг сўм пул ажратилди. Туман ҳокимлиги бу ишларда бозирчи хайриятларни ҳам қўллаб турибди.

Биз яқин кунларда 214, 294, 147, 175-мактаблар ва Мингўрчи, Байналмилал маҳаллаларида эски паспортларни оммавий равишда алмаштириш ишларини режалаштирганмиз.

Очил ХАЗРАТОВ

(Давоми. Боши 1-бетда).


Бог оралаб ўтиб Тўқимачилар маданият саройи худудига чиқдик. Ҳозир ушбу бинони таъмирлаш ва унинг олди томон майдонини ободонлаштириш ишлари қизгин паллага кирди. 1934 йилда бунёд этилган бу бино «Ўзбекистон-гилсаноат» уюшмасининг буюртмасига кўра миллий аъналар руҳида қайта таъмирланмоқда. Қурилиш ишларига «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамияти капитал қурилиш бошқармаси қурувчилари бош пудратчилик қилишмоқда.

— Бинони республика Муствақиллигининг 7 йиллиги нишонланадиган кун арафасида қўлдан чиқарамиз, — дейишди бунёдкорлар.

Бинонинг ўзи билан бирга номи ҳам ўзгаряпти. Энди у «Энгил саноат ходимлари биноси» номи билан юритилади.

Ҳозирда бу ерда «Махсуспардозқурилиш» трестининг 48-қурилиш бошқармаси бўёқчи, сувоқчи, дурадгор, пардозчилари ишлашяпти. Таъмирлаш юмушлари ниҳоясига етган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилади. Ана ўшанда бино олдидаги майдонча ҳам ўзгача тус олиб, ундаги бир-бирига туташ 13 та фаввора атрофга янада файз бағишлайди.

Яккасаройда олиб борилаётган қурилиш миқёсини кўриб қувонасан киши. Бобур кўчасида қад кўтарайтган 9 қаватли уй, Абдулла Қаҳҳор кўчасидаги 14 қаватли бино, Баранов ва Остро-



СУРАТЛАРДА: (ўртада) «Тепа» маҳалласи гузари шинамлиги билан диққатингизни тортади. Бу ерда аҳоли учун барча шароитлар яратилган.

Туманда соғломлаштириш сув хавзаси қурилиш жадал суръатларда олиб боришмоқда. (Пастдаги суратда). Бунёдкорлик ишларини олиб бораётган «159-қурилиш трести» акционерлик жамиятининг 9-қурилиш бошқармаси бригада етакчиси Наби Раҳимов; қуриляётган соғломлаштириш сув хавзаси.

Ўзбекистон Муствақиллигининг етти йиллиги олдидан

1998 — Оила йили

ЯРАТУВЧИЛИК

Туманлар йўқламаси: **ЯККАСАРОЙ**

КўЛАМЛАРИ

СУРАТДА: (юқорида) «Донот» хўсусий фирмасида аёлларимиз касб-хўнар ўрганиб фаолият кўрсатишяпти. Дону Файзуллаева раҳбарлик қилаётган бу фирмада кейинги икки йилда 1 мингга яқин қизлар хўнар ўрганишди. Фирма фаолиятдан тумандаги «Ракат», «Тепа», «Конституция» маҳаллаларининг аҳолиси ҳам мамнун бўлишмоқда.

вский кўчаларидаги 42 ва 40 оилага мўлжалланган уйлар фикримизни далилидир. Шуниси эътиборлики, бу янги биноларнинг ҳаммаси Муствақиллик байрами арафасида эгаларига топширилади. Бу яна юзлаб оилалар байрам шодоналарини янги хонадонларда кутиб оладилар демакдир.


— Биз ўқув ва тарбия масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди туман халқ таълими бўлимининг мудири Ўткир Мирзажонов. — Оила йили бўйича тузилган дастури-мизда 1-синф ўқувчиларини ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш, иқтисодий ночор оилалардаги бошланғич синф ўқувчиларини кийим-кечак билан таъминлаш, уларнинг соғломлаштириш масканларига бепул дам олишларини ташкил этиш каби масалалар кенг ўрин олган. Бунда бизга «Маҳалла», «Нуроний», «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Экосан» хайрия жамғармаларининг туман бўлимлари яқиндан ёрдам беришмоқда.

Туман мактабларида 15 мингга яқин ўқувчи таълим олмақда. Болалар муассасаларида эса 4 мингга яқин кичкинтойлар тарбияланмоқда. Бу ерда иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва рағбатлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳар бир мактабда маънавият ва маърифат хоналари ишлаб турибди. Билим масканларининг ҳаммаси ўз оталиғига эга.

Яна бир янгилик Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармонини ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида туманда мактаб-боғча мажмуасини яратишга киришилди. 91, 73-мактабларда бу хайрли ишга қўл урилди. Ҳозирда жадал таъмирланаётган «Паризод» ҳиссадорлик жамиятининг собиқ боғчаси 91-мактабга, «Пойабзалчи» ҳиссадорлик жамияти боғчасининг бўш биноси эса 73-мактаб ихтиёрига топширилади. Ҳар иккала билим даргоҳи ўрнида мактаб-боғча мажмуаси фаолият кўрсатади.

319-мактаб биноси бундан икки йил олдин ўқувчиларга совға қилинган эди. Ҳозир бу даргоҳда ёпиқ сув хавзаси қуришмоқда. Қурилиш ишларини эса 159-қурилиш трести бунёдкорлари олиб боришяпти.

Тушликдан сўнг ҳоким Алишер Мирқосимов билан яна учрашдик. Машинамиз Бобур кўчасида ўқдек учиб бярпяти. Кўчанинг равон ва текислигини кўра туриб ҳокимнинг: «Ўтган йил кў-



ер ости йўли қуриб битказилди. Унинг икки томонидан хизмат кўрсатиш тармоқлари ўрин олган. Икки гектарни эгаллаган майдон ободонлаштирилди. Ёш болали оналар хонаси, маъмурий хона, кутиш зали, ошхона, қаҳвахона, газета ва журнал сотадиган дўкон, «Манзил» ресторани қурилди. Йўловчилар мушқулани осон қилиш учун 15 та чиптахона мунтазам ишлаб турибди.

— Оила, унинг иқболию муаммолари ҳақида сўз борганда биринчи марта кўз ўнгимизда нуроний она, ундан кейин эса маҳалла жонланади. Тўғри, ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, меҳр-оқибат, оқдодлик, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланади. Лекин барчамиз учун қимматли бўлган бу аъналарни кенг тарғиб қилишда маҳаллаларнинг роли катта, — дея сўз қотдик ҳамроҳимизга.

— Фикрингизга тушундим. Бирон маҳаллани бориб кўриш истаги туғиляпти сизда. Қани кетдик. Олдин «Тепа»га, кейин «Бошлик»қа борамиз.

Сўнгги йилларда туманда маҳалла гузарлари қурилишига ҳам эътибор қунайди. «Конституция», «Дамариқ», «Қушбеги», «Бошлик», «Ракат», Абдулла Авлоний маҳалла гузарлари қуриб битказилди. «Тепа» маҳалла гузари эса ўтган йилги Муствақиллик байрами арафасида ишга туширилди.


Сафаримиз Галаба байрами арафасига тўғри келгани учун «Бошлик» маҳалласининг уруш ва меҳнат фахрийлари гузарга бир пиёла чойга тўпланишган экан. Маҳалла оқсоқоли Исмоил Қурбанов таклифи билан ичкари кирдик. Ҳоким йиғилганларни байрам билан табриклаб, уларга сиз-саломамлиқ тилади.

— Маҳалламизда 12,5 минг аҳоли яшайди, — дейди бизга Исмоил ота. — У кўп қаватли уйлар орасида жойлашиб, кўп миллатли. Ҳаммамиз иноқ ва иттифоқ яшаймиз. Ҳозир баҳор мавсуми бўлгани учун асосий эътиборни озодагарчилик ва ободонлаштириш ишларига қаратганмиз. Ҳар шанба ёки дам олиш кунини икки соатлик вақтимизни ҳашар ўтказишга сарф этамиз. Шу йўл билан барча худудни озода ва саришта сақлаямиз. Бир сўз билан айтганда, «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармон ҳамиша диққат эътиборимизда. Хусусан «Оила, маданият ва маърифат», «Тозалик — туман бойлиги», «Мактаб, оила-маҳалла» каби суҳбат-йиғилишларимиз шу мавзуга бағишланди.

(Давоми 3-бетда).

ча ва йўлқаларни таъмирлаш, ободонлаштириш ишига 3 миллион сўм сарфладик», деган сўзларини эсладик.

— Агар зарурат бўлса «Жанубий» вокзалга ҳам олиб боришим мумкин, — дейди Алишер Мухамедович. — Ахир икки йил ичида у ерда ҳам ҳазилакам иш қилиб қўймадик. Вокзал бутунлай қайта таъмирланиб кенгайтирилди. 60х40 метрли



Республика мактаб ва лицей ўқувчиларининг «Солиқ ҳақида нималарни биламан?» деган мавзуда ўтказилган кўрик-танлов босқичларига яқин ясалди. Дастлабки икки босқичдан муваффақиятли ўтган 15 нафар ўқувчи учинчи босқич голиби бўлиши учун курашди. Улар орасида Тошкент шаҳри ва вилояти ўқувчиларидан ташқари Навоий вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси каби олис минтақалардан келган ўғил-қизлар ҳам бор эди.

Танловнинг финал босқичи Тошкентдаги бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази (ТАСИС) компьютер залида бўлиб ўтди. Ўқувчилар бир ярым соат давомида тест са-

нитофони ҳамда 2-даражали диплом билан тақдирланди. Учинчи ўрин 116-иктисод лицейи ўқувчиси Владислав Самохинга насиб этди. Унга «Дживи-си» магнитофони ва 3-

Танловлар

СОЛИҚЛАР ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

волларига жавоб бердилар.


Давлат солиқ кўмитаси ҳамда «Солиқлар ва боғхона хабарлари» — «Налоговые и таможенные вести» газеталари томонидан ўтказилган кўрик-танлов натижалари ваколатли хайъат аъзоларида чуқур қониқиш ҳосил қилди. Улар барча саволларга қониқарли жавоб берган Тошкентдаги 116-иктисод лицейи ўқувчиси Евгений Федоровни биринчи ўринга муносиб деб топдилар. Голибга «Айва» видеомагнитофони ва 1-даражали дипломни хайъат раиси, Давлат солиқ кўмитаси раиси В. С. Беганов топширди.


А. Навоий номидаги Республика иқтисод лицейи ўқувчиси Нилуфар Каримова иккинчи ўринни олди ва «Сони» аудиоман-

даражали диплом тақдим этилди. Барча қатнашчиларга «Азиятраст» компанияси бошқарувчиси номидан акция пакетлари, кўрик-танловга ҳомийлик қилган ташкилотларнинг совгалари топширилди.

Кўрик-танловни ташкил этишда ва ўтказишда Республика Халқ таълими вазирлиги, бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази (ТАСИС) ва АҚШнинг Ўзбекистондаги тинчлик корпуси катта амалий ёрдам кўрсатдилар. Бундай тадбирлар солиқлар ва мажбурий тўловларга онгли муносабатни ёшлиқдан тарбиялашга ижобий таъсир ўтказиши шубҳасиз.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ кўмитаси
Матбуот хизмати раҳбари.





Фарғонийларнинг таваллуд кунлари муносабати билан илмий анжуманлар ўтказилмоқда.


Туманда иккита маданият уйи ишлаб турибди. Хуршид ва Абдулла Авлоний кўчаларида жойлашган бу масканларда мавжуд 16 та хаваскорлик тўғарақлари бўлиб, уларда 400 дан ортиқ ёшлар фаол қатнашмоқда. Икки мусиқа мактаби 1080 ўқувчига эга.

Иқтидорли ёшлар тарбиясида «Камолот» жамғармаси туман бўлими муҳим ўрин тутати. Хусусан «Камолот»нинг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан ўтказилган анъанавий «Ҳамшира — 98» кўрик-танловиди 17-оилавий шифохона ҳамшираси Саноат Раҳмонбердиева иккинчи ўринни

тиббий ёрдам сифатини ошириш, имтиёзли дори-дармон олувчи шахсларга зарур дориларни тўла етказиб бериш масалалари ҳам назардан четда қолмаган. Шунингдек болали оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришни таъминлаш, улар учун барча керакли шароитларни яратиш, милиция ходимлари билан жамоат осойишталигини таъминлаш каби муҳим вазифалар ҳам ўрин олган.

Туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Абдумўмин Абдусолиқов бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Туман ҳудудиди



«Текстильчи» стадиониди (юқориди сурат) аҳолининг спорт билан янграб шуғулланиши учун кенг қўламадаги қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Унда ишбоши Янгибой Раҳимов ва Донёр Шовменовлар ҳам гайрат кўрсатишмоқда. Бобур номли бог (пастдаги сурат) туман аҳолиси маза қилиб хордиқ чикарадиған сўлиги тўда жисобланади. Шу кўнларда бу ерда ҳам кенг қўламадаги бунёдкорлик ва ободончилик ишлари олиб борилмоқда. Рустам Шарипов олган суратлар.

Суратда тасвирланган Абдулла Қаҳҳор маҳалласида истиқомат қилувчи Султон ака ва Фотима ая Алимўхамедовлар оиласи хавас қилса арзийдиган оиладир. Беш ўғил-қиз, ўн беш неваря, бир эвара боси ва бувиси бўлган Султон ака ва Фотима аялар фарзандлар ардоғида.

Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги олдидан

1998 — Оила йили

ЯРАТУВЧИЛИК

Туманлар йўқдамаси: ЯККАСАРОЙ

КўЛАМЛАРИ

(Давоми. Боши 2 бетда).

Ушбу маҳалладаги ибратли ишлардан кўнглимиз равшан тортиб, тумандаги саноат корхоналари иши билан танишишга аҳд қилдик. Дарҳақиқат, туман иқтисодиётини белгилашда ишлаб чиқариш корхоналарининг ўрни бекиёс. Очғини айтганда, ҳозир улар ҳам ўтиш даври муаммоларини бошдан кечираётган бўлсалар-да, лекин қийинчиликларни енгиш учун барча имкониятларни ишга солишмоқда. Бундай корхоналар қаторига «ЎҚМ», «Садаф», «Тоштўқимачи» ва 1-пойабзал хиссадорлик жамиятларини киритиш мумкин.

Зеро гап корхоналар хусусида борар экан, шу ўринда Президентимизнинг: «Қайси корхона ўзига чет эллардан шерик топмас экан, унинг келажаги йўқ», деган сўзларини эслаб ўтиш жоиз, — дейди Алишер Мухамедович. — Шундай ҳамкорлар ҳақида сўз юритганда 1-пойабзал хиссадорлик жамиятида олиб борилаётган ишлар ҳақида айтиб ўтиш мумкин. Корхона ўз маҳсулотларига билдирилган танқидий гаплардан тўғри хулоса чиқарди. У қисқа муддатда Франциянинг «Алта» фирмаси ва Чехиянинг «МКстиль» фирмалари билан қўшма корхоналар ташкил этди. Ҳозир ушбу ҳамкорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар олдингиларидан бутунлай фарқ қилади. Ҳам сифатли, ҳам рақобатбардош.

Эндиликда эскириб кетган технология билан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариб бўлмаслиги ҳеч кимга сир эмас. «Тоштўқимачи» жамоаси қийинчилик билан бўлсада корхонани янгилаш, уни замонавий технология билан қуроллантириш йўлида изланишлар олиб бормоқда. Шу ижодий ишнинг самараси туфайли корхона бир қатор ҳамкорлар орттирди. Япония, Испания, Чехия, Россия, Украина, Қозоғистон каби давлатлар билан икки томонлама эркин шартномалар имзолашга киришди.

Шунингдек, туман иқтисодиётини юқори ўринга кўтаришда яккасаройлик тадбиркорлар муносиб хисса қўшишяпти.

Туманда ибрат кўрсатиб ишлаётган хусусий жамоалар жуда кўп. Келинг, улардан бири «Доно ТФ»ни олиб кўрайлик. Яккасаройнинг «Ракат» маҳалласидаги ҳашамдор икки қаватли бинога жойлашган бу фирмада элга таниқли қандолатчилар меҳнат қилишади. Энг муҳими корхонанинг ўз ўрни, дастури бор. Икки-уч йил ичида ишлаб чиқариш ривож топиб, такомиллашди. Бу ерда меҳнат қилаётганларга Доно Файзуллаева бошчилик қилади. Айни пайтда корхонада иш сифати ва кўрсаткичлар ортаёттир. Меҳнат тури кўпаймоқда.

Туманда миллий анъаналарни тарғиб қилишда маънавият ва маърифат маркази ҳам ибрат кўрсатяпти. Марказ ташаббуси билан маҳаллаларда тез-тез турли мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиб турилади. Яқинда жуда кўпчилик маҳаллаларда ўтказилган «Юксак маънавият — олий фазилат» мавзусидаги суҳбатлар фикримизнинг далилидир. Энг ибратли томони ҳар бир маҳаллада марказнинг бўлимлари ташкил этилган бўлиб, улар мустақиллик шарофати билан тикланган урф-одат, қадимий анъаналарни ривожлантиришда самарали меҳнат қилишяпти. Ҳозир ҳамма маҳалла ва ташкилотларда Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-

эгаллашида, «Энг ибратли келинчақ» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳри бўйича якуний босқичида беллашган 11 нафар келинчақлар орасида тумандаги «Тепа» маҳалласида истиқомат қилувчи энг ибратли оиланинг келинчаги Шаҳнозаҳон Йўлдошеванинг танлов голиби деб топилиши, шунингдек «Сиз қонунни биласизми?» мавзусида шаҳар бўйича ўтказилган кўрик-танловда тумандаги 319-мактаб жамоасининг шоҳсупага кўтарилишида ушбу бўлимнинг муносиб хизматлари бор.

Яқинда «Камолот»нинг ташаббуси билан Тошкент давлат педагогика университетиди ўтказилган «Оила» мавзусидаги давра суҳбатига институт олимлари, ўқитувчилари, талабаларидан ташқари туман хотин-қизлари ва «Бахт уйи»дан вакиллар қатнашдилар.

— Оила йили дастурида ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг ҳаёти ва фаровонлигини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор берилган, — деб таъкидлайди Алишер Мухамедович. — Шунинг учун ҳам жорий йилга давлат бюджетининг ижтимоий соҳага қаратилган ҳаражатлар қисмини асосан коммунал хизматлар учун сарфлашни кўзда тутганмиз. Бу демек маиший хизмат хоналарини кўпайтириш, газ, канализация, ичимлик суви тармоқларини яхшилаш деган сўзди. Шунингдек уй-жой, мактаб ва бошқа қурилишлар ҳам диққат марказимиздан четда қолмаган. Туманимизда янги-янги савдо расталари, нон дўконлари, ошхона, қаҳвахона, шифохоналарни бунёд этиш ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда.

— Ҳайратлики, дастурда болали оилалар ҳамда туманда истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, нафақахўрлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялашга кенг ўрин берилган бўлса керак?

— Шубҳасиз. Бундан ташқари уларга тўланадиган давлат нафақаларининг ўз вақтида берилишини таъминлаш, фуқароларга кўрсатиладиган

спорт билан шуғулланувчилар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Айниқса, спортнинг футбол турига бўлган қизиқиш катта. Сув спорти бўйича махсус ихтисослашган мактаб фаолият кўрсатмоқда.

«Кик боксинг» спорти бўйича Осиё чемпиони — туман фуқароси Ботир Зокиров ўз маблагги хисобига «Биллур» спорт клуби очиб, бу ерда ёшларга «Кик боксинг» спорт тури бўйича мураббийлик қилмоқда. Унинг шогирди Акмал Зокиров ўтган йил ноябрда «Киёв» шаҳрида «Кик боксинг» спорти бўйича ўтказилган беллашувда жаҳон чемпиони унвонини кўлга киритди.

«Тай-бокс» бўйича Банкок шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақаларда Эркин Қуттибоев олтин медал соҳиб бўлди.

Охирида Алишер Мухамедович мавзунини бевоқифа бу йилги Мустақиллик байрамига тайёргарлик режаларига қаратди.

— Одатда байрамларга ўзига хос тайёргарлик кўрилади. Кўнгил гўлдан нозик дейишади. Шуни хисобга олиб бу байрамда ҳам маънавий ва моддий ёрдамга муҳтож оилаларга хайр-эхсон кўрсатишни унутмаганмиз. Аслида гап бу ерда совға устида эмас, балки инсон қадр-қиммати, унга эътибор хусусида бормоқда. Туманимиздаги илгор корхона ва фирмалар бу ишга ҳомийлик қилишмоқда. Қолаверса «Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман бўлими ҳам бу савобдан четда қолмайди.

...Машинамиз Усмон Носир кўчасида, Бобур боғи яқинида тўхтади. Бир зум атрофга назар ташладик. Теварак атрофдаги салобатли уйлар, улкан қурилишлар, тўғри йўналиш бўйлаб кетган кафтдек текис кўчалар, хуллас бу ердаги ўзгариш, янгилаш ва ёшаришларнинг бирма-бир санаб адоғига етиб бўлмасди...

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.



Ишдан қайтсам чинозлик ёру биродарлар келишибди. Маданият, маънавият ҳақида суҳбатимиз қилиб, гап театрга келиб тақалганда: «Ҳа-да, атайлаб «Минг бир кеча»ни кўрайлик деб келганмиз» деди ҳамқишлоқларимдан бири. Бошқалар ҳам унинг гапини тасдиқлашди. Мен эса хайрон бўлиб, бу томоша балетлигини айтиб тушунтиргандай бўлдим. Бошқа театр томошаларини кўришга таклиф этганим, бироз ранжишгандай: «Бу гапинг билан қишлоқлар балет нималигига тушунишмайди, демокчимсан?» дейишди. Меҳмонлар раъйига қараб, бошқа бир сўз демадим.

Эртаси кун Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театрига бориб, балет томошасига тушдик. Томоша бошлангунга қадар театр биносига ишланган безаклар билан таништирдим. Мусаввиримиз Чингиз Аҳмаровнинг Навоий «Ҳамса»сига ишлаган «Фарҳод ва Ширин», «Сабаъи сайёр» достонлари асосидаги расмлар, халқ ustalари Уста Ширин Муродовнинг Бухоро залига ишлаган «Ситораи Мохи Хосса» дагидек сакизта ойнага ганч намойён нақшлари, Фарғона зали деворига туширилган «Фарғона во-

Муносабат «МИНГ БИР КЕЧА» ЖОЗИБАСИ

дийси» (Урол Тансиқбоев ва бошқа рассомлар иши) манзараси, шунингдек, Тошкент, Хива каби залларидидаги наққошлик ва театр биноси қурилиши ҳамқишлоқларимга жуда ёқибди. Қайта-қайта: «Бу бино миллий санъатимиздан ҳиқоя қиладиган музейнинг ўзинаси-я! Хўп қурилибди-да!» деб фохрланишарди. Чорак аср санъат музейида тарғиботчи бўлиб ишлаганим учун, бино тарихи, ustalари ва турли хил безаклари ҳақида гапириб беришдан эринмасдим. Тўхтаброк қолсам яна саволларга тутиб, билмаганларини билиб олишга ҳаракат қилишларидан тўбора севи нардим. Гоҳ халқ усталаридан маъмур бўлишса, гоҳ эса академик меъмор Шүсүевдан хурсанд бўлишарди. Миллий санъатимиз акс этиб турган хоналарга ёзилган поёндозларга авайлаб қадам ташлаб, кайфиятлари тобора кўтариларди.

Айниқса бинонинг ташқи ва ички томонлари орасалиги, нафосатга бойлиги томошабин таъбини равшан этарди. Бу кўринишлар, шинамлик, албатта театр жамоаси ва раҳбарига боғлиқ. Тартиб-интизом жойида бўлса томоша ҳам ниҳоятда гўзал кўринаверади. Навоий театрига қачон, қай вақтда келмайлик, гавжум, томошабин қанчалик кўп бўлмасин, тартиб-орасталик, рўшнолик бор. Балки бу томошабин қошонада ишлаган йирик санъаткорларимиз: Эргаш Йўлдошев, Насим Ҳошимов, Саттор Ярашев, Карим Зокиров, Ҳалима Носирова ва Худойберди Тоиров қабилар хурматидан бўлса не ажаб. Еки ўнлаб шогирдларни тарбиялаган саҳна гўзаллари Саодат Қобулова, Бернора Қобуловаларга томошабинларимизнинг пайвандлигидандир...

«Минг бир кеча» балет томошасига ёшлардан тортиб, ёшлари бир жойга бориб қолган кекса онахон ва отахонлар ҳам болаларини эргаштириб келишибди. Шовқин-сурон, бемаза қилиқларни мутлақо эшитмасдик. Фақат санъаткор маҳоратига, балет санъатига қўйил қолиш аломатлари сезилаётганидан қарасаклар қалинлиб туриларди. Ҳамқишлоқларимга назар ташласам улар ҳам тинчгина, берилиб томоша қилишар, мусиқа оҳангларининг гоҳ паст, гоҳ баланд чиқиши «Минг бир кеча» деб аталмиш араб эртаклари асосида саҳналаштирилган балет ижрочиларини турли хил ҳаракатга солар, бу ҳаракат, мусиқа оҳанглари-ю нур ва соялар эса оқшом тушиши ва тонг отишдан дарақ берарди. Мустақиллигимизнинг олтинчи йиллигида саҳна юзини кўрган балет томошаси Мақсуд ва Рустам Иброҳимбековлар либреттоси, Фикрат Ами-

ро мусиқаси эди. Мусиқа раҳбари ва дирижёри, Ўзбекистон халқ артисти Дилбар Абдурахмонованинг ниғоҳи созандаларда бўлиб, куйларни бехато надишга ундаб турарди. Саҳнадаги ҳаракатни араб куйлари, шарқона оҳанглари ҳаракатга солиб, балетнинг ўзига хос тушунчаларини томошабинга бехато етказиб турарди. Иштирок этувчилар ва ижрочилар бош қаҳрамонлар Шахризода (З. Давлатмуродова), Шахриёр (О. Тошпўлатов), Нурида (Т. Мухамедова), Нуриданинг қули (М. Ражабов) ва бошқа роллар жуда кўнглидагидек чиқарди.

«Минг бир кеча» балет томошаси гоъвий-маъруний асосан оила қуриш, эр-хотин ораларидаги муҳаббат, бир-бирига тушуниш, ишон қабилардан иборат бўлиб, поклик, вафодорлик мадҳи, муҳаббат тантанаси эди. Балет қисқа, аниқ ва лўнда тушунчалардан иборат бўлиб, яхлит икки парда бўлгани учун томоша зерикарли эмас, меъёрида дейиш мумкин. Рассомлар меҳнати саҳнада тўла кўзга ташланиб турибди. Безаклар эртакларга хос фантастик кўринишларга эга. Саҳна кенг, гоҳ бахт қуши, гоҳ шу бахтга чанг солувчи жосус қучлар ҳаракати, дев, жин ва ҳоказо шарпалари кўзга ташланади. Рассом инсон ҳаётида ижобий роль ўйнайдиган Бахт қуши ва ёвузликдан далолат берувчи аждаҳо, илон тасвирларини йирик кўринишда тасвирларди. Шунингдек, орқа тарафда эса араб меъморчилигига хос шох саройини кўрсатиб, асар гоъвий мазмунини изоҳларсиз тушунтириб беришга эришган.

Балет томошасига келганлар турли миллат вакиллари. Шу томоша гоъвий-маърунийга тўла тушунишмоқда. Кузатишлардан билсак бўладики, «Минг бир кеча»ни ўқимаган киши деврли йўқ экан. Кимдан сўрасак, оила муболағасиз, ҳаётдан олдин эртакни ўқиб чиққанликларини ва шулар саҳнада жонланганлигини айтишарди. Ўз ўзидан маълумки, асардагидек томоша хотин зотини йўқ қилиб ташлашга аҳд қилган шоҳ Шахриёр сўнги хотини, униям қатл этишга буюрган Шахризоданинг севги, вафо ва ишон ҳақидаги минг бир кечали айтган эртакларидан сўнг, инсофга келиб, муз бўлиб қолган қалбиди хотин кишига бўлган муҳаббат уйғонади. Шахризода нафақат сарой маликалари, балки минглаб аёллар ҳаётини сақлаб қолади.

«Минг бир кеча» балет томошаси ҳаммага ёққаниданми, шу кун унга мингга яқин томошабин келибди. Айтишларига қараганда уларни бирор ташкилотдан «Борсанг ҳам борсан, бормасанг ҳам борсан!» деб мажбуран олиб келишмабди, ўзлари келишибди. Маҳмуд АҲМЕДОВ, Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюшмаси ва театр арбоблари уюшмасининг аъзоси, театршунос.

ҚИҒИР ИШ ОЧИЛДИ

Ушбу ўғирлик бутун шофайзилларнинг қулоғига етиб борди: «Фалончининг уйдан ўғирлар «Сони» русумли телевизор, мусиқа жамламаси ва 6 та гилами ўғирлаб кетишибди». Бу гапга у ердан бу ердан озгина қўшилиб кетига тилла тақинчоғу, биллур идишларни ҳам улашди азаматлар. Нима дейсиз, элининг озгина элак тутиб бўлмас. Кимга нима бўлса бўлгандиру аммо милиция ходимларига, хусусан шу худудга осойишталик бўйича масъул Акмал Икромов тумани милиция бўлимидагилар учун ўғирликдан кейин осон бўлмади. Иш ниҳоятда усталик билан амалга оширилганди. Биринчи кунидек бўлимагилар ўғирликни устаси фараңлар содир этишган, деган хулосага келишди.

Қидирув ишлари бошлаб юборилди. Бу орада гумондорлар сўраб суриштирилди. Бироқ ҳадеганда калаванинг учи топилавермади. Вақт эса ўтиб борарди. Ниҳоят кеаю кундуз тинимсиз ишлаш натижасида ўғирлик очилди. Уни ниҳоятда тажрибали «усталар» амалга оширгани ҳам аниқланди. Муқаддам қамалиб чиққан А. Иноғом ва унинг Д. Карим, К. Қодир исмли шериклари ашъвий далиллар билан қўлга олинди. Уларнинг уйларида ўғирлик моллари — «Сони» телевизори, «Сони» мусиқа жамламаси топилди. Гиламларни эса аллақачон сотиб улгуришган экан.

Шундай қилиб бир ўғирликнинг сири ошкор бўлди. Тезкор вакиллар А. Каромов, Х. Ваҳобов, С. Расулов, Ж. Расулов, Ф. Қаноовларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида инсонлар мол-мулкига кўз олайтирган кимсалар қўлга олинди, қилмишлари учун ҳозир жавоб беришмоқда.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ходими.

МИНГ БИР ОРЗУ

Булбулдан сўрадилар: — Не орзуинг бор? — Олам гулзору чаманзор бўлса...
Кўршапалакдан сўрадилар: — Не орзуинг бор? — Олам зимистон бўлса бас!
Бойқушдан сўрадилар: — Не мақсадинг бор? — Жаҳонда вайронлар кўпаяверса...
Тулкинисодан сўрадилар: — Не орзуинг бор? — Не тилагинг бор? — Илоийм мушукнинг қорни тўқ бўлса...
Хўроздан сўрадилар: — Не орзуинг бор? — Товуқлар ҳам товусдай товлиниб турса...
Порахўрдан сўрадилар: — Не орзуинг бор? — Хасилларнинг ҳаммасини ер ютиб кетса...
Лаганбардордан сўрадилар: — Муродинг недур? — Хеч қачон бел оғриги кўрмасан дедман...
Камгап одамдан сўрадилар: — Муддаонг недур? — Оламда лақмалар завол топсайди...
Дўппидан сўрадилар: — Не тилагинг бор? — Қовоқ каллалардан худо асраса...

БАЪЗИПАРДА БЎПАДИ

Талабада — шпаргалка.
Абитуриентда — таниш-билишларнинг теле-роқамлари, Футбол ишқибозиди — валидол.
Танозда — сақич.
Ялқовда — уйқудори.
Ваҳимачида — атом бомба.
Юлғичда — омбур.
Тухматчида — тош.
Ҳасадчида — қора куя.
Асаббўзарда — эгов.
Ғийбатчида — инфекция.

БАЪЗИПАРДА БЎПМАЙДИ

Мунофиқда — инсоф.
Ёлғончида — ор-номус.
Ивбогарда — ором.
Таксичи билан официантда — майда.
Такаббурда — салом.
Чайқовчида — виждон.
Ўғрида — «рахмат».

БАЪЗИПАРДА МЎП-КЎП

Лақмада — сув.
Мақтанчоқда — кўпчи.
Ваъдабозда — баҳона.
Қассобда — суяк.
Бензинда — керосин.

ҲАММАБОП ПУҒАТ

Ҳақиқат — палласиз тарози.
Тунка — саломга алиқ олмайдиган киши.
Такаббур — бўйин гипсланган шахс.
Девор — насиҳат ўтмаган кимса.
Таъмагир — олчанинг расмини кўрса ҳам озгина сув келадиган «зот».
Чайқовчи — овчининг ити.

Жўраҳон
Сайид АВЛИЁХОН.

Бош муҳаррир уринбосари Сопиқ ЁҚУБОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«МЕБЕЛЬ» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Мебель» акционерлик жамияти янги кўринишдаги акцияларни чиқариши муносабати билан акция эгалари ўз акцияларини 1998 йил 25 июнга қадар «Мебель» акционерлик жамиятига топширишларини сўрайди. **БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ:** Сергели тумани, Саъдий кўчаси, 6-уй. Белгиланган муддатгача қайтарилмаган акциялар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

«Мебель» акционерлик жамияти маъмурияти

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, туйлар, юбилейлар муносабати билан кутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон:

133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ:

МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ,

32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

«Узбектеlevision» студиясининг раҳбарияти ва жамоаси студия ходими Файзулла Муҳаммадиевга акаси **Норзулла МУҲАММАДИЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Узбектеlevision» студиясининг раҳбарияти ва жамоаси студия ходими Юлдаш Ергашевга онаси **Марьям Абдураҳмановна ЕРГАШЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


«Тошхажарўловчиган» Давлат уюмаси «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирилшмаси бош директори Жаббор Рўзиевга онаси **МАЙРАМ** аянинг вафоти муносабати билан таъзия ихзор этади.

«Тошбозортэйрловсавдо» уюмаси, Бозор акционерлик жамиятлари, Давлат харид корхоналари жамоалари уюшма раҳбари вазифасини бажарувчи Н. Ш. Шокировага оналари **Сора ая ЗИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

«Чилонзор» маҳалла оқсоқоллар йигини маҳалла оқсоқолнинг уринбосари **Раим ИБРОҲИМОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ихзор этади.



Республикамизда ягона бўлган, биринчи ўзбек кино режиссёри Наби Ганиев номидаги Тошкент кино-техникуми бугунги кунда малакали кадрлар тайёрлаш борасида бир талай ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда.



либ вояга етишишларида муҳим ўрин эгалламоқда. Айниқса, билим юрти хотин-қизлар кенгашининг қизлар ўртасида ўтказаятган суҳбатлари, уюштиряётган мушоадалари уларнинг ораста бўлишларида, ахлоқ-одоб чегарасидан чиқмасликларида етакчи аҳамиятга эга бўляпти. Кино-видео зали талабалар ихтиёрида бўлиб, улар бу ерда турли мавзу-

ташқил этилса, айна муддао бўлар эди. Ана шунда кино-видео ривожига салмоқли ҳисса қўшилади, деб ўйлайман. Марказий Осиёда ягона бўлган овоз техник оператори бўлимига ҳам малакали мутахассисларни топиш бироқ муаммо бўлиб турибди. Бу муаммо ҳам ўз ечимини топади, деб ўйлайман.

Техникумда ҳар йили мактаб ўқувчилари учун «Очиқ эшиклар кўни»ни ўтказиш одат тусига айланган. Бундан нафақат ўқувчилар, балки ота-оналар ҳам миннатдор бўлмоқдалар. Негаки, мана шундай «Очиқ эшиклар кўни»да ўқувчилар техникумга ташриф буюришлари боисидан ҳаётда дил йўлларини топмоқда. Буни қуйидаги дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.

• Дилбар МАХҚАМОВА, Фаттоҳ Умаров номли 276-9 йиллик таянч мактабининг ўқитувчиси:

— Техникумда «Очиқ эшиклар кўни»нинг ўтказилиши айна муддао бўлди. Менинг Ҳасан-Ҳусан ўғилларим ҳозир 6-синфда ўқишади. Шу билан биргаликда техникага бўлган қизиқишлари ҳам жуда катта. Бу ердаги дарс жараёнлари ва шарт-шароитлар билан танишиб чиққач, ўғилларим мактабни тугаллаганидан сўнг албатта шу техникумда ўқишади, деган қарорга келдим. Негаки мен уларнинг отаси изидан боришларини истайман.

• Наргиза ЖҲРАЕВА,

276-мактабининг 9-синф ўқувчиси.

— Техникум ҳаёти ҳамда дарс жараёни, шарт-шароитлар билан танишиб чиқдим. Айниқса, компьютер хонаси ҳамда иқтисодиёт ўқитувчисининг соҳага доир ҳикояси менга жуда ёқди. Шу сабабли мен мактабни тугаллагач иқтисод ва ҳисобчи гуруҳида ўқимокчиман. Ўйлайманки, ота-онам ҳам менинг бу истакимга рози бўлишди.

• Ойбек ЮСУФБЕКОВ,

Димитров номи 9-олий мактабининг 9-синф ўқувчиси:

— Бу ердаги қизиқарли фаолият менда жуда катта таассурот қолдирди. Тажрибали ўқитувчиларнинг дарс ўтиш маҳоратларини кўриб менда кино-видео техник-оператор гуруҳида ўқишга бўлган иштиёқим янада ортди. Бу ерда ўқишга кирувчилар учун ташқил этилган кўшимча тайёрлов гуруҳининг фаолият кўрсатиши ҳам айнан шу техникумда ўқиш истакимни яна бир бор оширди.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

СУРАТЛАРДА: техникум фаолиятдан лавҳалар: (юқорида чапда) техникум директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича уринбосари Султонмурод Жуманов ўқувчилар билан суҳбатлашмоқда; фан ўқитувчиси Ўткир Ботиров кино-видео тасвир маҳорати ҳақида сўзлаб бермоқда; «Келажакда зўр оператор бўламан», — дейди 1-курс ўқувчиси Муассар Йўлдошева; техникумнинг компьютер хонаси замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Ўқитувчи Алишер Жалилов (пастдаги сурат) «Очиқ эшиклар кўни»га келган ёшларга ана шу жиҳозлар ҳақида гапириб бермоқда.

Рустам Шарипов
орлин суратлар.

Миллий дастур

ЎҚИШГА ҲАВАС УЙҒОТИБ



лардаги фильмларни томоша қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бу ўқув масканида таълим олган яна шу ернинг ўзида меҳнат фаолиятини бошлаган собиқ талабаларни учратиш мумкин. Ҳисобчилик бўлимида тахсил олган Химойил Сулаймонова, кино-видео техник оператори Ўткир Ботиров, Шерзод Шарипов сингари ходимлар ана шундайлар сирасига киради.

— Айни дамда кино-видео мутахассислиги бўйича кадрларни тайёрловчи ёш мутахассис ўқитувчилар масаласи бироқ муаммо бўлиб турибди, — дейди Хожимурод Хожиев. — Негаки, айнан шу соҳа бўйича мутахассис ўқитувчилар авваллари Санкт-Петербургда ўқитиларди. Ҳозир эса бунга имконият йўқ. Шуларни инobatга олган ҳолда кекса ўқитувчиларга уринбосар мутахассислар етказиб бериш мақсадида тайёрлов курслари



Ҳурматли таҳририят ходимлари! Бугунги кунда семизларни оздириш ва ориқлар вазнини меъёрига келтириш билан шуғулланувчи фирмалар ва шахслар кўпайиб кетди. Улар қўлайлиқ усул ва воситаларнинг мижозлар саломатлигига салбий таъсири йўқми? Шу хусусда мутахассис фикрини берсангиз.

Забихилла НУРМАТОВ,
Бектемир тумани.

Ёшим 35 да. Лекин жуда ориқман. Семизлишни хоҳлайман. Ҳозирда оздириш ёки семиртириш борасида ўз хизматини тақдир қилаётганларга ишонсам бўладими?
Дилбар ЖАХОНГИРОВА.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунларда вақтли матбуот саҳифаларида, ҳаттоки кўча-кўйда, автобус бекатларида тез ва самарали озиш ёки семиртириш кўмаклашиш ҳақидаги эълонларни кўлаб учратиш мумкин. Аслида инсоннинг тез озиши ёки семирishi шу қадар осонми, бу ҳолат одам саломатлигига қандай таъсир этади? Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика диетолог

ия илмий маркази директори Шерзод Зокирхўжаев билан шу хусусда суҳбатлашдик.

— Тиббиётда инсоннинг тезда, оз фурсатда семирishi ёки озиши тавсия этилмайди, — дейди Шерзод Зокирхўжаев. Негаки, бу жараёнда одам танаси генетикадан ўзгаришларга

левод ва ёғ моддалари беради.

Тартибли овқатланишни амалга оширишда керакли микдорда турли хил гўшлар, тухум, сўт махсулотлари сабзавот ва мевалар, дуккакли ўсимликлар ҳамда шифобахш хусусиятли нон махсулотлари (ўзида оқсил, лектин, темир ва бошқа модда-

Тиббиёт оламида илмий текширишлар шуни кўрсатадики, танада семирish ёки озиш аста-секинлик билан маълум муддатда босқичма-босқич олиб борилиши керак. Акс ҳолда юқорида таъкидлангандек салбий ҳолатлар юзага келади. Чунки ҳар бир танадаги аъзолар ва биологик жараёнлар шу одам вазинга мослашган бўлади, кескин озиш ёки семирish натижасида шу мослашиш бузилади.

Бугунги кунда киши вазинни бир меъёрга келтирувчи турли доридармонлар билан даволловчи ёки уларни сотувчи шахслар кўпайиб кетди. Ишончли маълумотларга кўра шундай оздирувчи воситалар бор экани, улар одамни ҳатто руҳий хасталик даражасигача келтириб қўяр экан. Сабаби — озиқ-овқат қўшимчасидаги ёғни эритувчи модда нафақат тери остидаги, балки юрак атрофидаги ҳамда миёдаги саломатлик учун керакли ёғларни ҳам эритиб бериш хусусиятига эга. Шунинг учун семирish ёки озишни истасан одамлар шифобахшиликка қаролати йўқ воситаларга ружу қўймадсан шифокорга мурожаат қилганлари ҳам хавфсиз, ҳам самаралидир.

Нигора НАЗАРОВА
ёзиб олди.

Мутахассис маслаҳати

ВАЗНИНГИЗ ҚОМАТИНГИЗГА МОСМИ?

мослаша олмайди. Натижада турли хасталиклар, яъни юрак-қон томир касалликлари келиб чиқади. Шу сабабли ҳар қандай семирishi ёки оздириш жараёни уй шароитида эмас, балки тиббиёт муассасаларида олиб бориладиган маъқул. Унда модда алмасишуви кўрсаткичлари, яъни углевод, оқсил ва ёғ моддалари лаборатория таҳлили назорати остида олиб борилади. Ортиқча вазли бўлишнинг салбий таъсири йўқ, уни тартибли овқатланиш орқали меъёрига келтириш мумкин. Одамнинг ёши вази, касби ҳамда кундалик ҳаракатга қараб қувват талаб қилади. Бу қувват одатда озиқ-овқатдаги оқсил, уг-

лар бор бўлган (нонлар) овқат таркибдорда кирлиши керак. Уларни қай микдорда истеъмол қилиш парҳезишунос шифокорлар билан маслаҳатлашган ҳолда олиб борилади.

Агарда одам ўта озгин ёки ўта семиз бўлса у ҳолда албатта шифокор кўриши керак. Уларни қай микдорда истеъмол қилиш парҳезишунос шифокорлар билан маслаҳатлашган ҳолда олиб борилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — **133-29-70;**
эълонлар **133-28-95,**
132-11-39,
факс: **(3712) 133-29-09.**

Душанба, торшанба
ва ҳуфта
кўнлари чиқади.
Ҳафт кўрсаткичи
209

Нашрни етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тош-
кент почтасига» **133-74-05**
телефонга мурожаат
қилишнинг мумкин.